



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРАН + № 175 (9671). • 1989 йил 16 сентябрь • Баҳоси 5 тийин.
ЧИҚА БОШЛАГАН



Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси ўзининг 13 сентябрь кuni бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида «1989 қишлоқ хўжалик йилининг кутилаётган якунлари ҳамда Фрунзе шаҳрида бўлиб ўтган кенгаш асосида область, шаҳар ва район партия комитетларининг ташкилотчилиги ва сиёсий ишларини кучайтиришга оид вазифалар тўғрисида»ги масалани тинглади. Республика партия комитетлари, маҳаллий Советларнинг икромия комитетлари, агросаноат органлари амалга ошираётган тадбирлар баҳорнинг ноцулай шароитлари вужудга келтирган салбий оқибатларни бартараф қилишни ва мавжуд ресурсларни қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш учун сафарбар этишни таъминламаганлиги таъкидлаб

ўтилди. Агросаноат комплексидаги вазият ҳамон кескин бўлиб қолмоқда. Бироқ вужудга келаётган аҳволнинг гоят жиддийлигига қарамай, жойларда ҳосил учун курашнинг якунловчи босқичида қишлоқ хўжалик маҳсулотини нобуд бўлишининг ўрнини қоплаш юзасидан қатъий чоралар кўрилмапти. Партия ва совет органлари колхоз ва совхозлар, агросаноат комитетлари ва бирлашмалари раҳбарлари ва мутахассисларининг қишлоқ хўжалик ишларини ташкил этиш ҳамда ўтказишда хотиржамликка берилиб, лоқайдлик қилаётганликларига нисбатан мурасозлик қилмоқдалар, моддий-техника ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш юзасидан уларнинг фаолиятига партиявий принципал баҳо бермаётилар.

Бухоро, Сирдарё, Қашқадарё, Наманган, Фарғона областларининг катта-катта майдонларида кўсак ялли очилганлиги кузатилаётган бир пайтда пахта теримига тайёргарлик ва уни ўтказишда сусткашликка мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Бундай ҳол ҳосил сифатининг пасаишига ва унинг нобуд бўлишига олиб келади. Шу пайтгача кўпгина хўжаликларда ҳосилни йиғиб-териб олишда пахтакорларни моддий рағбатлантириш масалалари ҳал этилмаган, терим техниксини тайёрлаш тугалланмаган. Тошкент, Бухоро, Сирдарё, Самарқанд областларининг агросаноат комплекси тармоқларини ривожлантириш учун жавобгар бўлган коммунист раҳбарларига ишдаги жиддий камчиликлар ва улар қишлоқ хў-

жалик маҳсулотини етиштириш ҳамда тайёрлашни авж олдириш муҳимлигига етарли даражада сиёсий баҳо бермаётганликлари, шунингдек ем-хашак тайёрлашда анча орқада қолинаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Марказий Комитет Бюроси агросаноат комплексидagi ишларининг аҳволи учун улар шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида огоҳлантирди ва ишда йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш юзасидан узил-кесил чоралар кўриш мажбуриятини юкляди.

Бюро мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Социал-иқтисодий бўлими ва Марказий Комитет ҳузуридаги Партия назорати комиссиясининг «Кооперативлар ва аҳолига кредит хизмати кўрсатадиган республика банклари ишдаги жиддий камчиликлар тўғрисида»ги маълумотномаси кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда Ўзбекистон республика банклари СССР Уй-жой-социал қурилиш банки (ўртоқ Т. Алматов), СССР Саноат қурилиш банки (ўртоқ Т. С. Азимов), СССР (Давоми 2-бетда).

КАРВОН ЙЎЛГА ЧИҚДИ

БОБОДЕҲҚОНЛАРИМИЗ ҳаётида масъулиятли палла-йилгитерим бошланди. Утган жума кuni қишлоқликлар илк ҳосилдан қизил карвон ташкил эълдилар.

...Қизил карвон йўлга чиқishi олдидан эса механик-ҳайдовчиларнинг сляти бўлиб ўтди. Слятда ўтган йили энг юқори кўрсаткичга эришган дала гвардиячиларига мукофотлар топширилди. Бу йилги вазифалар, режалар келгиши олинди. Йилгор механик-ҳайдовчилар сўзга чиқиб, зиммаларига оширилган мажбуриятлар олдидилар. Зиёд Оллаёров, Рашид Жамолдин, Абдураҳмон Мирусмонов сингари механик-ҳайдовчилар мавсумда 120—150 тоннадан пахта теришга сўз бердилар.

Умуман бу йил район бўйича давлатга топшириладиган 26 минг 700 тонна пахтанин кам деганда 70 процентини машинада териш мўлжалланмоқда. Бу ишга пухта тайёргарлик кўрилди. Айни кунларда гўза баргини тўктириш қизғин бормоқда. Яна 2—3 кундан сўнг бу иш оммавий тус олади. Барча ОВХ пургакич аппаратлари ишга туширилади. Мутахассислар ишнинг сифатини қатъий назорат қилиб борадилар.

...Ана, пахта ортган қизил карвонлар Чиноз пахта тозалаш заводига кириб келди. Ҳосил ва меҳнат байрамига бағишланган тантанали митинг бўлиб ўтди. Митингга деҳқонлар ва тайёрловчилар сўзга чиқиди. Деҳқонлар даладаги ҳосилни ўз вақтида териб топширишга, тайёрловчилар эса бу ҳосилни махтал қилмай қабул қилиб олиб, ундан юқори сифатли тола олинишини таъминлашга аҳд қилдилар.

Шу кuni қизил карвонининг олдинги сафларига «Ўзбекистон ССР 30 йиллигига ва «Қизил Октябрь» колхозин борган эди. Бу бежиз эмас. Мазкур хўжаликларда гўза парварниш маромида ўтказилди. Экиннинг ривожидagi қолоқликни бартараф этиш юзасидан бир қатор самарали тадбирий чоралар кўрилди. Шу тўғрисида ҳам йилги-теримга анча эрта киришилди. «Ўзбекистон ССР 30 йиллигига колхозин қабул пунктига 31 тонна, «Қизил Октябрь» колхозин эса 21 тонна том ашё топширди.

(Давоми 2-бетда).

ТУҚСОН БИЛАН ТУҚНАШИБ...



ДЕЯРЛИ ҳар кuni пойтахтимиздаги Шопайн даҳасига қаршли Доншманд кўчасидаги 2-уйдан баланд бўйли, тетик отахон чиқиб, ишга овланадилар. Неча ўн йиллардан бери шу аҳвол такорланади. У кишини кўрганлар эҳтиром билан салом берадилар, болакайлар «бобожон» деб эрланадилар. Онахонлар эса ўғилларига у кишининг табаррук ёши-ю, пир бадавлатлигини тилайдилар. Баъзилар гўдакларига отахоннинг исмини қўядилар. Ҳа, Шамсихон ота Шодмонов бутун

даҳаю маҳалладаги табаррук, баобрў отахонлардан бири. Бугунги оқшом Шамсихон отанин хонадонлари янада гажумлашадн. Қариндош-уруғлар, ёру биродарлар пирн бадавлат отахонинг табаррук 90 ёшлари билан муборакбод этиш учун тўпланадилар.

[Шамсихон ота Шодмонов ҳақидаги мақолани газетамизнинг 5-саҳифасида ўқийсиз.]

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросида

(Боши 1-бетда).

Агросаноат банки (ўртоқ Э. Д. Воқибоев), СССР Жамгарма банки (ўртоқ Д. Ж. Шарипова), СССР Давлат банки (ўртоқ Ш. Еқубов) — фаолиятида кооперативларга кредит хизмати кўрсатишда ва аҳолига яқка тартибда уй-жой қуриш учун қарз беришда кўпол хатоларга йўл қўйилмаётганлиги таъкидланди. Жойларда кооперативларнинг фаолияти устидан назорат, уларга кредит беришнинг белгиланган тартиби мунтазам равишда бузилмоқда, кўпинча қарзлар кредит шартномалари тузилмай нақд пул билан берилмоқда, ана шу пул қонунга хилоф равишда кооперативлар ҳисобига ўтказилишга йўл қўйилмоқда. Буларнинг ҳаммаси республикада пулнинг қадрсизлигини жараёбларини авж олдиришга, давлат қорхоналари ва жамоат ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлашда кўпинча кечикишларга сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси вужудга келган аҳволга

сиёсий баҳо бериб, республика банкларининг айбдор бўлган коммунист раҳбарларини қатъий партиявий жавобгарликка тортди. Мазкур масалалар оид қарор матбуотда тўла эълон қилинади.

Бюро «Хоразм область» партия ташкилотиде демократиялаш ва ошкоралик шартинда раҳбар кадрлар билан олиб бориладиган ишнинг қайта қуриш тўғрисида»ги масалани ҳам тинглади. Хоразм область партия комитети демократиялаш шартинда кадрлар ишини қайта қуриш орқали масъулиятли соҳаларни меҳнаткашлар орасиде ишонч қозонган ташаббускор кишилар билан мустаҳкамлашга интилаётганлиги қайд этилди. Областда ўз-ўзини поклаш, кадрлар масалаларини демократик йўл билан ҳал этиш, ишнинг янги форма ва методларини қидириб топиш тажрибасини тўплаш жараёни бормоқда.

Айни вақтда кадрлар билан олиб бориладиган ишларди қайта қуриш суест амалга ошириляпти. Област, шаҳар, район партия комитетлари кадрлар сиёсатини амалий, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни ҳал этишга чинакамга бўйсундириш учун кўпинча эс-

кича ёндашувларга ҳамон амал қилмоқдалар, демократиялаш ва ошкораликдан суест фойдаланмоқдалар. Ошкора муҳокама қилиш, никки ва ундан ортиқ номзоддан бирини сайлаш область, район бўғини раҳбарларига, энг аввало биринчи шахсларга амалда дахл қилмади.

Уларнинг баъзиларида нишга ўзини-ўзи танқид руҳида баҳо бермаслик ва хотиржамлик, тайёрга айёрлик, ташаббусни ва ишларнинг аҳволи учун тўла жавобгарликни ўз зиммасига олишни истамаслик одат бўлиб қолган. Улар воқеаларнинг кескинлашишини ҳамини ҳам олдиндан кўра билмайдилар. Кўпинча сиёсий ташаббусни қўлдан бой бермоқдалар.

Меҳнаткашлар ўртага қўйётган масалаларга нисбатан расмиятчилиги, сансоларлик, тўраларча лоқайдлик ҳолатларига ҳамини ҳам принципал баҳо берилляпти, деб бўлмади. Гражданларнинг область партия комитетига юборган хатларининг ҳар тўртасидан бири жойлардаги раҳбарларнинг нотўғри хатти-ҳаракати билан боғлиқдир. Хизмат мавқени сувиестемол қилишга, қўшиб ёвнишга, ҳўжасизлик фактларига йўл қўйган ман-

сабдор шахсларга нисбатан талабчан бўлмаслик, уларни жавобгарликдан қўтариб қолиш ҳоллари учрамоқда.

Буларнинг ҳаммаси иқтисодий ислохотини, ҳўналик ҳисобини, ижара пудратини, кооператив ҳаракатни жорий этишга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Саноатда меҳнат унумдорлиги ошмайпти, шартнома асосида маҳсулот етказиб бериш барбод бўляпти. Уч йил давомида ва шу йилнинг биринчи ярмида чакана товар обороти ва пулли хизмат кўрсатиш планлари бажарилмади. Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш яхшиланмади. Квартиралар қуриш суратлари уй-жой муаммоси кескинлигини камайтирмади. Типовой мактаблар, мактабгача тарбия ва медицина муассасалари билан таъминлашда, экология вазиятида кескинлик пасаймади, бу эса натижада партия ва совет органларининг, улар раҳбарларининг омма орасидаги обрўсига пугур етказмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси область партия комитети, унинг секретарлари Р. М. Худойбергенова, Л. И. Петяга ўртоқлар зиммасига вужудга келган аҳволини тузатиш, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг кадрлар ишини демократиялашга оид йўл-йўриқларини қатъий билан амалга ошириш, бутунги қунда раҳбарларга нисбатан қўйилётган юксак талабларни ҳисобга олиб,

ана шу ишнинг шакл ва усулларини тубдан ўзгартириш вазифасини юкледи.

Санъаткор зиёлаларнинг иждоий куч-ғайратларини катта ижтимоий аҳамиятга молни говий ва бадийи жихатдан юксак асарлар яратишга сафарбар этишда Ўзбекистон ССР Давлат мукофотларининг ролини ошириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Республика Министрлар Совети билан биргаликда адабиёт, санъат ва архитектура соҳасидаги асарлар учун Ўзбекистон ССРнинг Навоий (Низомиддин Мир Алишер Навоий) номли ҳар бири ўн минг сўмдан учта Давлат мукофоти ва Ўзбекистон ССРнинг Ҳамза (Ҳамза Ҳанмизода Нисвий) номли ҳар бири беш минг сўмдан бешта Давлат мукофотини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Давлат мукофотлари тўғрисидаги низомлар ва Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитетининг состави тасдиқланди.

Бюро мажлисида шу йилнинг 23 октябрдан 27 октябргача РСФСРнинг Тюмень области маданият қуралини ўтказиш тўғрисидаги, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг акадემиги Юнус Ражабийнинг уй-музейини ташкил этиш ҳақидаги жамоатчилик танлифлари маъмулланди. Республикани социал-иқтисодий ривоклантиришнинг бошқа баъзи масалалари ҳам кўриб чиқилди.



КАРВОН ЙЎЛГА ЧИҚДИ

(Боши 1-бетда).

Бунда Ҳабйба Жўраева, Абдулла Азаматов, Фикрет Се-

фершаев, Абдушукур Олдиоров сингари уста дехқонлар бошчилиги қилётган пахтакорларнинг ҳиссаси катта бўлди.

Бу бригадаларнинг дехқонлари қийин шароитда мўл ҳосил етиштирдилар. Ҳосилдорликни ошириш учун ҳаракат қилдилар.

Ҳаммаси бўлиб шу кунги чинозликлар 122 тонна пахта тоширдилар. Бу асосан уруғлик пахтадир.

Дарвоқе, бу йил чинозликлар давлатга 3 минг 800 тонна уруғлик пахта сотадилар. Бундай пахта асосан Охунбобоев номли ва К. Маркс номли колхозларда етиштирилди. Дех-

қонлар «С-48 80», «С-65 24» навли пахтадан эъло навли уруғлик чигит олинмишга ҳисса қўиши учун бор маҳоратлари ва тажрибаларини ишга солмоқдалар.


...Далаларда иш қизиб кетди. Мавсумга пухта тараддуд қўрилди. Об-ҳавонинг ноқулай келиши мумкинлиги ҳам ҳисобга олиниб, тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу тадбирларда ҳар бир ҳўжаликда машина терминини уюшқоқлик билан ташкил этиш, шу билан бирга қўл

терминин ҳам кучайтиришга, лозим деб топилаган ҳўжаликларда ҳашарчилардан фойдаланишга, механик-ҳайдовчилар ва теримчиларга зарур шартшароитларни яратишга алоҳида эътибор берилгандир.

Н. ИСАЕВ.

Суратларда: пахта қизил карвонни тантаналари.

Е. БОТИРОВ, суратлари.



• ҚЎШМА РЕЙД •

ШАКАР—ҚАНД, СОВУН САВДОСИДА НИМА ГАП?

ЯҚИНДА область партия комитети, область Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети, область халқ контроли комитети ҳамда область газеталарининг масъул ходимлари шакар-қанд, совун ва кир ювиш порошоклари савдо тармоқларида қай йўсинда сотилаётганлиги текширилар. Жойларда бу ишга партия, совет, касаба союз активлари жалб этилди. Жами 822 та савдо корхонаси, омборхоналар, районларро ва область базалари текшириб кўрилди.

Текширувлар шуни кўрсатдики, жойларда партия ва совет органларининг, область хўжалик раҳбарларининг назоратсизлиги оқибатида шакар-қанд, совун ва кир ювиш порошogi каби танқис маҳсулотлар ҳисоб-китоби, тақсимлаш ва тарқатишда опкоралик тўғри йўлга қўйилмаган, ҳисоб-китоб қилиб боришнинг ягона системаси йўқ. Бу сунистеъмолларга, қондабузарликларга имони яратиб берапти. Чунки, Олмалик шаҳрида текшириб кўрилган 38 та магазиндан 27 тасида, Ангренда 23 тайдан 12 тасида, Чирчида 21 тайдан 8 тасида, Паркентда 68 тайдан 25 тасида савдо қондалари қўпол равишда бузилаётганлиги аниқланди.

Шакар-қанд ва кир ювиш воситаларини тақсимлаш юзасидан талон системасини жорий қилишда жиддий нуқсонлар бор. Талонларда қайси магазинга бринктирилганлиги белгилаб қўйилмаган. Бундан фойдаланаётган айрим шахслар ҳам у, ҳам бу магазиндан маҳсулот олавердилар, натижада магазинларда харидорлар навбати узайди, уларнинг эътирозлари кучайиб кетади. Ҳамма ерда ҳам маҳсулот берилгач, талонлар беқор қилинмайдди. Қўпгина талонлардаги белгилар ўчирилган ёки тузатилган.

Янгийўл шаҳар Совети ижроия комитети ва уй-жойлардан фойдаланиш идоралари аҳолининг аниқ рўйха-

тини тузишни таъминламадилар, талонларни тарқатиш, уларга белги қўйиш, ҳисоб-китоб қилиш устидан қатъий назорат ўрнатмаганлар. Шакар савдо идораси раҳбарларининг бепарволиги оқибатида магазинларда жиддий қои-

ҳужжатларида пойбабал фабрикаси коллективига сотиш учун 1650 кути кир ювиш порошogi юборилгани қайд этилган. Текшириб кўрилганда эса пойбабалчилар фақат 1200 кути порошок олишибди. 450 кути порошокнинг қаёққа кетганлиги хусусида изоҳнинг ҳождати бўлмаса керак.

Оҳангарон шаҳар савдо корхоналарида совун савдоси тўғрисидаги ҳужжатлар билан аслида қандай сотилаётганлиги ўртасида катта тафовутлар бор. Цемент комбинати ишчилар таъминоти бўлимининг маълумотларида қараганда «Сантехлит» за-

ри, «Кўнорол» совхозининг 4-бўлими аҳолиси 400-500 граммдан шакар-қанд олапти, холос. «Кремль» совхозининг 4-бўлимидаги магазинда бу йил олинган шакар-қанднинг ҳаммаси ҳеч қандай ҳисоб-китобсиз сотилган. Ҳозир район магазинларида совун ва кир ювиш порошоклари худди шундай йўл билан сотилапти. Бу ҳам турли сунистеъмолларга кенг йўл демакдир. «Кремль» совхоз бўлимидаги магазинларда, Қорабғоқ участкасидаги дўконда совунлар хонадонларга яшириб қўйилаётганлиги бунга яққол мисолдир.

диқлайдиган ҳужжат ҳам, тақсимотнинг ҳисоб-китоби ҳам йўқ. Харидорлар маҳсулот олганлари ҳақида маҳсул дафтардаги рўйхатга имзо қўймадилар, бунинг ўрнига крест шаклида белги қўйиладди.

Қароқчи қишлоқ матлубот жамиятида қишлоқ Совети ижроия комитети раиси Матёқубовнинг кўрсатмаси билан 3 тонна шакарнинг 2 тоннаси омборда сақлаб қўйилган. Айтишларича, бу шакар маҳсул кўрсатма бўлганига қадар сентябргача сақлашни керак экан. Аҳоли эса август ойда 500 граммдан шакар олди, холос.

Текширувлар давомида Бекобод ва Нариманов шаҳарлари, Оққўрғон, Бекобод, Бўстонлик, Оржоникидзе ва Ўрта Чирчиқ районларидаги савдо корхоналарида ҳам худди шундай иллатлар очилди.

Бундан ташқари талаб катта бўлган бошқа маҳсулотларни яшириб сотилар давом этапти, магазинлар ўз вақтида очиб ёпилмади, савдо маданияти жуда паст. Масалан, Ангрен шаҳрида текширилган 23 та магазиндан 12 тасида савдо қондаси бузилапти, қолбаса, гўшт консерваси, чучилган ёғ, хамиртуруш, сирна, чой каби танқис маҳсулотлар яшириб сотилмоқда. Нариманов шаҳрида 2 минг сўмлик, Бино кор посёлкасида эса 1900 сўмлик маҳсулот савдодан яшириб қўйилган.

Қўпгина магазинларда иш вақтига мутлақо рия қилинмайдди. Текширув ўтказилган кўни Бўна районининг «Кремль» совхозидида 3-магазин, Ҳамза номи колхозининг Қорақудуқ участкасидаги магазин, К. Маркс номи колхоздаги 2- ва 19-магазинлар иш вақтида бер экди.

Текширув натижалари маънафат коллективларида, шакар ва район партия комитетларининг мажлисларида совет ва хўжалик органлари раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинди. Бир қатор район ва шаҳарларда материаллар чора кўриш учун маъмурий органларга топширилди.

Бундай текширувларни мунтазам ўтказиб бориш мақсада мувофиқдир.

ШУ КУННИНГ ДОЛЗАРЪ МАВЗУСИ

дабузарликлар содир бўлаётди. Бу ҳақда жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Чунки, Янгийўл шаҳар бозорига олиб сотарлик қилаётган Нурматов 500 килограмм шакар билан кўлга тушди. Сураб-суриштирилса, чайқовчи шунча шакарни шаҳардаги 42-магазин сотувчиси Бекировадан улгуржи йўл билан сотиб олган экан. Ахметова мудирлик қилаётган 62-магазинда 545 дона чет эл совуни, 35 кути кир ювиш порошogi очиқ савдодан яшириб қўйилган.

Афсуски, бундай жиддий иллатларни тугатиш юзасидан ҳеч қандай чора кўрилмади. Шунинг учун шакар магазинларида қинғир ишлар давом этаётганлиги қайта текширувлар чоғида маълум бўлди. 39-магазинда ҳамма талонларга шакар берилганлиги тўғрисида белги қўйилган бўлса-да, 300 килограмм ортинча шакар чиқди. 45-магазиндан ҳисобда йўқ 120 килограмм шакар топилди. 65-магазинга эса шакар савдо идораси омборидан шакар-қанд ва кир ювиш воситалари ўрнига нафд пулинги ўн келар экан. Демак, бу маҳсулотлар магазинга етиб келмай, йўл-йўлакай қандайдир йўллар билан «йўқ» қилиб юборилган. 13-магазин

водига июль ойида 20 минг 624 дона совун берилган. Амалда эса ишчилар 2624 дона совун олганлар. Бу 13 фойзга ҳам етмайдди.

Чирчиқ шаҳрида жуда танқис маҳсулотларни тўри тақсимлаш соҳасида анча яхши ишлар қилинаётганлига қарамай, текшириб кўрилган магазинларнинг айримларида жиддий қондабузарликлар давом этаётганлиги маълум бўлди. 56-магазиндан 482 килограмм шакар топилди. 74-магазинда икки қоп шакар яшириб қўйилган. Бундан ташқари, шакар-қанд савдоси хусусидаги ҳужжатларда ўчириб ёзилган жойлар бор.

Шакар-қандни нормалаш ва тақсимлашнинг мавжуд системаси область аҳолисини шу маҳсулотлар билан тенг таъминлаш имконини бермапти. Ҳар бир кишига бир килограмм норма белгиланган бўлса, қишлоқ районларида бу 500 граммдан 800 граммгача тўғри келапти. Оққўрғон райониди эса шакар-қанд аҳоли сонига қараб тақсимлаш ўрнига, плани бажара олмаётган магазинларга кўпроқ юборилапти. Бўна райониди бир кишига ўртача норма 750 грамм бўлгани ҳолда «Коммунизм» колхозининг Ҳуррият, Галаба», Янгиқўрғон участкала-

Маънафат қарашли магазинларда ҳам шакар-қанд ва совунларни ҳисоб-китобсиз сотиш ҳоллари учрамоқда. Чунки, аввалги ойда тегишли 370 килограмм шакар сотилмай турибди. Бу ҳол магазин ва маҳаллий Совет раҳбарларини мутлақо ташвишлантормайди. Қурилиш материаллари ва конструкциялар комбинати ишчиларининг яримдан кўпи январь ойидан бери мутлақо шакар-қанд олмай. Ҳолбуки, уларга хизмат қиладиган 11-магазинда (С. Каримов) 17 қоп янги 850 килограмм шакар таҳлиб ётибди.

Паркент райониди текшириб кўрилган магазинларнинг деярли ҳаммасида шакар-қанд сақлаб қўйилган. Сабаби суриштирилганда тўй-ҳашам ва бошқа тadbирлар учун атайлаб сақлаб турилганлигини айтишди. Ҳолбуки, бу хусусида расмий қарор йўқ. 23-магазинда (Ёқубов) 400 килограмм, 7- (Аҳмедов) ва 32- (Тўлаев) магазинларда 200 килограммдан шакар шу баҳона билан сотилмай турибди.

Пискент райониди текширилган 20 та магазиннинг ҳаммасида 50 килограммдан 300 килограммгача шакар-қанд бор. Бу гўё август ойда тарқатишга улгурилмаган қисми эмниш. Аммо бунга тас-

«САЙЛОВЧИЛАР НОРОЗИ»

Райондаги 96-мактаб биносида депутатлар билан сайловчилар учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда сайловчилар ўз депутатларига берилган нақзаларни бажарилмаганлиги учун эътироз билдирди. Газетанинг 5 август сониди босилган юқориди мазмундаги танқидий хабарга Киров район ижроия комитети раисининг ўринбосари Н. Жабборовдан жавоб олинди. Унда танқид, учрашувда депутат олдида қўйилган қатор ишлардан айримлари амалга оширилганлиги хабар қилинади. Жумладан, Акмал Ўзлат ва Миртемир, бошқа қатор кўчаларнинг кўпчилик қисмига канализация ўтказилди. Хабарда кўрсатилган барча кўчаларга асфальт ётқизилди. Йўлчаларни тугатиш ишлари давом эттирилмоқда.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ЯНА ЮЛДУЗЧА ҲАҚИДА»

Газетанинг 29 июль сониди босилган мақолада «Юлдузча» район халқ маорифи бўлими ихтиёридан колхоз ихтиёрига ўтказилиши қўл порозликларга сабаб бўлаётгани таъкидланган эди.

Бўна район ижроия комитети раисининг ўринбосари Р. Худойқулдовдан олинган жавобда айтилишича мутахассислар иштирокида текшириш ўтказилган. Район халқ маорифи бўлими ихтиёридаги болалар боғчаси билан колхоз ҳисобидидаги боғча бир ерга жойлашганлиги учун улар қўшилди бунга боғчага айлантирилган.

Кўпгина район халқ маорифи бўлими ихтиёридаги болалар боғчасида штатлар тўла бўлмаганлиги учун турли муаммолар чиқиб турган. Уни бартараф этиш мақсадида колхоз правленеиси ва район халқ маорифи бўлими келишган ҳолда боғчани бирлаштириб колхоз ҳисобига ўтказишган. Район халқ маорифи бўлимининг методисти Р. Пирипасовага болалар боғчаси қўшилиши муносабати билан умумий мажлис ўтказиб мудирани очиқ овоз бериш йўли билан сайлаш топширилган эди. Умумий мажлисда К. Хожибоева боғчага мудирга этиб сайланган. Текшириш ўтказилган кўни болалар овқатланиши учун ҳамма маҳсулотлар етарли эканлиги аниқланган. Редакцияга хат йўллаган боғча ходимлари ҳам мақолани текшириш даврида ўзлари иштирок этиб, уни яқундан қаноат ҳосил қилганликлари ҳақида тушунириш хати ёзиб беришди.

«ТОПОЛМАЙ САРСОНМИЗ»

Бўстонликлик С. Ираҳмедов райондаги айрим шифохоналарда катта размердаги уй кийимлари йўқлиги учун врачлардан даққи эшитишга ётгани ҳақидаги танқидий хабар газетанинг 5 август сониди босилиб чиққан эди.

Область матлубот жамияти раисининг ўринбосари М. Зокировдан олинган жавоб хатида танқидий хабарда кўрсатилган эркинларнинг уй кийимлари савдо шохобчаларида етарли индорда сотилаётганлиги кўрсатилади.

Область матлубот жамияти правленеиси районларро омборлар ходимларига Бўстонлик районига катта размердаги уй кийимлари жўнатиш ҳақида кўрсатма берди.

Область матлубот жамияти шифохоналарини уй кийимлари билан таъминламайдди, — дейилади жавоб охирида.

«ЎРАДАН ҲАЛВО

БИТАРМИКАН»

Бўна пахта тозалаш заводиди ишчиларга яратилган

маданий-жанший шаронлар ҳақида газетанинг 1 июль сониди босилган юқориди сарлавҳали мақолада танқид қилинган эди.

Район ижроия комитетининг раиси Р. Ш. Сақдовдан олинган жавоб хатида мақолада кўрсатилган камчиликлар текширишда тасдиқланганлиги хабар қилинади. Уларни тугатиш учун пахта тозалаш заводида қатор тadbирлар кўрилган. Етоқхона, ундаги иситиш системалари ремонт қилинган. Завод ҳузуриди ишдан сўнг дам олиш учун барча қулайликларга эга бўлган хона ташкил этилган. Заводда меҳнат қилаётган ишчиларнинг уй-жой шаронларини яхшилаш учун 1990 йилдан бошлаб ҳар бири 20 хонадонга мўлжалланган 3 та уй қурилиши бошланади. Ҳозир унинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Завод ишчиси М. Ҳамидуллиннинг уй-жой шаронти ёмонлиги ҳисобга олинди унга яна қўшимча иккита хона ажратиб берилди.

Мақолада кўрсатилган Исроил Қодиров умуман завод ётоқхонасида истиқомат қилмаган.

Шамсixon ота йўлакда кўринишлари билан уни бир зумда невараваралари ўраб олишди.

— Опоғдода, оппоғдода, кечаги эртагинининг давоини айтиб беринг, — деб бир-бирларига гал бермай чугурлашишди улар.

— Аввал додага салом бериш керак, — деди отанинг катта келинлари Раъно опа, — Бироз дам олсинлар, кейин сизларнинг айтганингиз бўлади.

— Кўяверинг, келин, айвонга жой солинг, мен бир жужуқларим билан отамлашай. Қайтанга шунда чарчоғим ёзилди.

Болдан бери кичкинтойларини тергайвериб чарчаган нева келинлар ҳам бир-бирларига хурсанд қараб кўйишди...

Шамсixon ота бир тўда болакайлар қуршовида айвонга чиқди.

— Майли, болаларим, сизлар учун бу ҳикояларим эртак бўлса эртак бўла қолсин.

Ҳа, Шамсixon отанинг ҳаётида бўлиб ўтган воқеалар чиндан ҳам эртаска ўхшайди. Унинг ҳикояларини ёшлар ишонқирамай тинглашди. Лекин, бир пайтлар босмачилар кўнглига гулгула солган, «Қорахўжа» номи билан машҳур бўлган отанинг сўзлари аини ҳақиқат...

1899 йилда камбағал қосиб оиласида туғилган Шамсixon хот-саводини эски мактабда чиқарди. Унинг болалиги, ўспиринлиги даврлари эса аини машаққатли пайтга тўғри келди. 1916 йил у тенги ёшлари мардикорликка олиш бошланди. Ёш Шамсixon ноҳақликка қарши чиқиш ўша пайтдаёқ уйғонди. У аτροφига тенгқурларини йиғиб, мардикорликка бормасликка дэъват этди. Бу орада тарихда бурилиш ясаган 1917 йил яқинлашиб қолган эди. Атрофда бўлаётган ўзгаришлар Шамсixon ва унинг дўстларини ҳам бафарқ қолдирмади. Улар батрақлар иттифоқини туздилар. Кейинчалик эса бу иттифок кўнчиликлари иттифок деб ўзгаририлди. Унинг фаолиятида Шамсixon Шодмоновнинг ҳиссаси катта эди. У қишлоққа-қишлоқ юриб, ёшларни ўз аτροφига йиға бошлади. Шу тарихда иттифокнинг инқилобий ишлари бошланди кетди. Уларга эса тажрибали коммунистлар Жаҳонғирхон Саъдий, Абдуразақ ака, Мирзажон акалар йўл-йўриқлар кўрсатиб турдилар. Бора-бора ён-атрофда камбағал-деҳқонлар зулмкор бойлар устидан шикоят қилиб, нажот истаб жанговар бўлишга шикоят қилиб келардилар. Шундай қилиб бойлар ва камбағаллар ўртасида тўқнашувлар кескинлашиб борди. Бу даврда Ш. Шодмонов Қува район милиция бошлигининг ўринбосари бўлиб ишларди. Айниқса, ён атрофдаги тоғларга беркинчи олган, «тўртинчиларни кўрага кўзи йўқ босмачи тўдаларидан халқ жон олдириб қўйган эди.

Биргина Умарали Шалпанқулоқ кўрбошини эслашнинг ўзи кифоя. Кишилар ундан жуда кўп жабр кўрган, кўрбошининг номини эшитса, зир титраб эдилар. Ҳатто масжидларга боришга ҳам юрак олдириб қўйган эдилар. Шунинг учун ҳам Шамсixon унинг тўдасини қандай бўлмасин тормор этиш, ҳалойиқни кўркували, таҳликали ҳаётдан кутқаришга қатъий бел боғлади.

Бу пайтда у босмачилар орасида «Қорахўжа» лақаби билан машҳур бўлиб қолган, ҳатто Умарали кўрбошини унинг бошқ учун жуда кўп олтин ҳам ваъда қилган эди. Бўлмаса бутун қишлоқни қириб ташлайман деб, қўриқтарди.

Кўрбошини бир айёрлик ишлатди. У сулҳ тузишни таклиф этди. Албатта икки ўртада бегунолар қонини тўқмаслик ниятида Шамсixon Шодмонов бунга кўнди. Узи бормоқчи бўлганда, қишлоқнинг кексалари бунга рози бўлишмади ва ўзлари ораларидан

тўрт кекса, обрўли қарияларни вакил қилиб сайлашди. Афсуски, ёвуз кўрбошини ўз ваъдасининг устидан чиқмади.

Тўрт элчисининг жасади солинган аравани эслаганда ҳали ҳануз Шамсixon ота баданига титроқ туради. Шунда у «улар учун албатта ўч оламан» деб қасам ичди. Шамсixon Шодмонов уч кеча-кундуз бўлган тенгсиз олишувда Умарали кўрбошининг энг ишонган одами — Жўра улусни кўлга олишга муваффақ бўлди ва уни ҳалойиқ олдиде қатл этди. Жуда кўп одамларидан ва энг ишонган кишисидан айрилган кўрбошини тўдаси кўп ўтмай тор-мор қилди.

Унинг граждандар ва Улуғ Ватан уруши йилларидеги жанговар хизматлари бир неча бор муносиб тақдирланган.

Урушдан кейинги йилларда ҳам вайронагарчиликларни тиклаш, қолхозлар тузиш, пахтачилик ва пиллачиликни ривожлантириш ишларида жонболик кўрсатди. У қаерда, қайси соҳада меҳнат қилмасин, энг аввал одамларга яхшилик қилишни, улар оғирини енгиллатишни, ҳақиқат учун курашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Айни кунларда муборак 90 ёшларини нишонлаётган табаррук ота-

ратли ва мустақкам бўлади.

Бу жиҳатдан Шамсixon ота оилаларига ҳавас қилса эрайди. У киши тўрт фарзанднинг отаси, 15 неваара, 25 эваранинг севимли оппоғдодаси. Ота ўғиллари — Умархон, Жамолхон, Эркинхон ва қизи Қундузхонни ўқитиб олий маълумотли қилди. Уларнинг ўғил-қизлари ҳозирги кунда турли соҳаларда меҳнат қилишади. Биз оиле аъзоларидан баъзи бирлари билан сўзбатлашдик.

Отанинг катта келинлари Раъно опа Шамсixonдир:

— Мана шу оилага келин бўлиб тушганимга қирқ йилдан ошди. Биз турмуш ўртоғим Умархон ака билан 34 йил бирга турмуш қилдик. Бу орада 4 қиз, 2 ўғил тарбияладик. Фарзандларимизнинг бари олий маълумотли, уйли-жойли. Биз шунча йил турмуш қуриб, бирор марта сиз оғзиниз санга бормади. Албатта, тинч-тотув, ҳаёт кеңиришимизда қайнота ва қайнонамнинг юриш-турушлари, бир-бирларига муносабатлари бизга ўрнак бўлди. Айниқса қайнонам Турсунхон ая чевар, пазанда, ниҳоятда дилбар аёл эдилар. У киши отамларнинг ҳурматларини доим бажо қилардилар, оилда эркак кишини ўрни алоҳида бўлади, деб уқтирардилар. Шунинг учун ҳам отам ҳам онамни ниҳоятда қадрлардилар. 1972 йили уларнинг олтин тўйларини нишонлаганимизда барча йиғилганлар ҳавас билан «Сизларга ўхшай қорайлик», — деб ният қилган эдилар. Орадан уч йил ўтмай қайнонам вафот этдилар... 1980 йилда бемаҳал ўлим Умар акамни ҳам олиб кетди. Шундан бери ота-бола бир-биримизни суяб, далда бериб яшаб келмоқдамиз. Мен нима иш қилмоқчи бўлсам, дарҳол отамлардан маслаҳат сўрайман. Улар ҳам бажонидил маслаҳат, ёрдам берадилар. Ҳаётда нимагани эришган бўлсам, барчаси учун у кишидан миннатдорман.

Отанинг иккинчи келинлари Зина опа Шамсixonдир:

— Мен Жамолхон акам билан бизнинг юртимизда хизматда юрган пайтлариде танишган эдик. Шундай тотув, бахтли оилага келин бўлиб келаятганимда эса бир хурсанд бўлсам, улар мени қандай қабул қилишар экан деб бир томондан ҳаяжонлардим. Биринчи бўлиб қайнотам ва қайнонам мени очик чеҳра билан қаршлашди. Ўзбек урф-одатларини ўргатишди. Мана, хозир 2 қиз, бир ўғлимиз бор. Кўриб турибсиз, ҳаётимдан, ана шундай муқаддас оилда бахт толганимдан хурсандман.

Неваара келин Азиза Шамсixonдир:

— Баъзан турли сабабларга кўра боғчага болаларимизни олиб боришга ёки олиб келишга илож тополмай қоламиз. Шундай пайтларда оппоғдодамиз жонимизга оро кирардилар. Айниқса, келик пайтларда уларни бағрларига олиб, ахлоқ-одобли бўлиш, катталар гапига қулоқ солиш, ростгўй ва ҳақиқатчи бўлиш ҳақида ибратли насихатларининг фарзандларимизга нафи катта деб ўйлайман.

Жаҳожи аваралар Шаҳноза, Бобур, Озода, Шсият ва Фотималар эса оппоғдодаларига парвона.

Бу хонадон соҳиб-ю, соҳибалари билан танишар эканман, уларнинг бир-бирларига бўлган меҳр-оқибатлари, аҳилликлари, ҳурматлари мени жуда қувонтирди. Буларнинг барчасида оила бошлиғи, табаррук отахон Шамсixon Шодмоновнинг хизматлари катта. Улар билан отанинг 90 ёшини муборакбод этаятган кунда танишганимдан хурсанд бўлиб, «Отанинг тўқсон ёшли кунларида учрашганимиз, юзларида ҳам юзлашайлик», деган ният билан хайрлашдик.

Зулхумор ЖУРАЕВА.

• Пири бадавлатларимиз

ТЎҚСОН БИЛАН ТЎҚНАШИБ...



◆ Суратда: Шамсixon ота Шодмонов ўз оила аъзолари даврасида. Н. МУҲАММАДЖОНОВ суратга олган.

Бу орада Асакада Аҳмад охун лақабли қонхўр босмачи тўдаси пайдо бўлди. «Қорахўжа» ўз йиғитлари билан бу ерга ёрдамга келди. Бу тўдани тор-мор этгач, Олтиариқдаги Қоравой кўрбошин билан олишиш учун ўша аққа юборишди. Шунингдек у маърифатпарвар Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан бир неча йиллар ҳамкорликда Марғилон шаҳрида саводсизликка қарши курашни ривожлантириш, мактаблар очинишда фойдалангани, Фарғона каналининг бунёд этилишида эса ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

У қаерда бўлмасин оддий халқ манфаатларини кўзлаб, зулмкорлар билан курашди. Шунинг учун ҳам кишилар Шамсixonни жуда асраб-эвайлашарди. Шаҳрихонда ер ислохотини амалга ошириш, бойлар ерларини камбағалларга бўлиб беришга ҳам фаоллик кўрсатди.

Улуғ Ватан урушида эса босмачилар билан курашларда чиниққан, жанговар билимини амалда пухта эгалаган Ш. Шодмонов 368-запас полкида взвод командири вазифасини бажарди. У ҳали қурол ҳам улашин билмайдиган ёш-ёш ўсмирларни жангга ҳозирлар, оддийгина ҳэтиётсизлик ҳам қимматга тушиб, уларнинг навиқирон умрларига завол бўлишини қайта-қайта уқтирарди.

ҳон билан танишиб, сўзбатларидан баҳраманд бўлиш ниятида уйларига кўнгирак қилдик. У кишини неваралари Бахтиёр ака ҳали ишдан келмаганларини айтганларидан дастлаб ҳайрон қолдик.

Оқшом пайти эса отахоннинг Шофазий даҳасидеги Донишманд кўчасида жойлашган саранжом-сарийшта, фазлий хонадонларидеги сўхбатимиз узок давом этди.

— Болам, — дейди отахон, — у кунларни бизлар кўрдик, сизлар кўрмэнглэр. Баъзан ўйлаб қоламан. Нима учун биз қанча-қанча қўрбонлар эвазига, жонимизни гаровга қўйиб, омон сақлаган юртимиз, бугунги кунда анча алғов-далғов бўлиб қолдик. Баъзан рўзгор учун керакли нерсаларнинг танқислашиб қолиши, мамлекатимизнинг у ер-бу ерида бўлаётган миллий низолар биз кекса коммунистларни ташвишга солади. Бу қайта куриш ниҳоятде қийинчилик билан амалга ошайтганини кўрсатади. Партия-ҳукуматимиз бу мураккаб вазиятдан чиқиш йўлларини албатта излаб топади, деб ўйлайман.

Шу ўринда отахон ақойиб бир мисол келтирдилар. Ватанимиз катта бир оила. Унда яшаёган турли миллат ва элларлар эса унинг фарзандлари. Агар ана шу фарзандлар ўзэро ҳамфиқр, аҳил, баҳамжиҳат бўлишса, мамлекатимиз ҳам шунчалик қуд-



ЎНТА БЎЛСА ЎРНИ БОШҚАМИ, ЁКИ...

Хурматли редакция! Менинг беш фарзандим бор. Икки ўғил, уч қиз. Ўзим шифохонанинг реанимация бўлимида ишлайман. Ишдан бошлаган кундан бери кечга бориб чарқоқдай оёқларимни зўрга судрайман. Ўйга келсам, яна кундалик рўзгор ташвишлари бошланади. Овқат пийришни керак, кир ювиб, дазмоллаш, болаларга дарс тайёрлатиш, Эрталаб эса мактабга жўнатиб, боғчага олиб бориш. Деярли ҳар кун шу аҳвол.

Шанба, якшанба кунлари меҳмонга бориш керак. Айни тўйгарчилик пайти. Пишириқ пишириш, қишга сабзавот ва меваларни консервланиш — буларнинг ҳаммаси менинг гарданиямда. Ахир етти жонимиз. Ташвишларимиз ҳам шунга яраша бўлади.

Менинг икки дугонам бор. Улар ҳақида салбий бирор фикр айтиш ниятим йўқ. Лекин иккаласи ҳам замонавий. Бирини битта, иккинчисига эса иккита фарзанди бор. Ҳар гал мени рўзгор ишида

уймадалик юрганганини, ишда чарчаб қайтганини кўрганларидан ачинган бўлиб, сенга зарурими бешта бола туғиб, ишнинг ўзгартирсанг бўлмайдинг, одам ўзи учун ҳам яшаш керак-ку, дейишадди.

Шундай пайтларда мен негадир бу гаиларга ҳайрон қоламан. Жуда чарчаб кетган вақтда эса дугоналарим ҳақини, деган ўйларга ҳам бораман. Олий маълумотли бўлсам ҳам баъзи пайтларда еттига, ўнга болали ўзбек оилалари фақат фарзандлари учун яшаб тўғри қилишга тийишмикин, деб ҳам ўйлайман. Мен умуман шу ҳақда дугонажонларимнинг фикрини билишни истардим. Улар фарзанд тарбияси, рўзгор ишларини қандай режалаштирадилар? Дам олинган учун бу вақтлари бормикин? Умуман сўз-фарзандлик ҳақида фикрлари қандай?

Мастура ФАЙЗИЕВА,
Тошкент шаҳри.

• ҚИШЛОҚ ТУРМУШИ МУАММОЛАРИ •

ТУҒИСИНИ айтадиган бўлсак, колхознинг сут-товар фермасига бориб у ердаги шароит билан танишга, ҳали ҳам шундай фермалар борлигидан ёқа ушладик. Ферма қоровули бизни кўриб шошиб қолди.

Атрофни кўздан кечиришимиз. Ўнг томондаги сигирлар ёйилдиган майдонда моллар балчиқ ичида юришибди. Охулар илма-тешик бўлиб кетганидан ақинда солинган ўтлар сигирлар оёғи остида сочилиб ётибди. Бундай манзарани кўриб ҳафсаламиз пир бўлди. Лекин сут соғиш муддати тугаганини учун фермада аёлларнинг уч-рота олмадик. Қиз-жуёнлар билан сўхбатлашиш, уларнинг дардини тинглаш мақсадида орадан бир ҳафта ўтгач яна шу ерга келдик. Фермада жами ўн нафар сигир соғувчи бўлиб, уларнинг ҳар бирига 20 тадан сигир бириктирилган экан. Ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сут миқдори аранг 6 литрданга тўғри келаяпти.

— Ҳозирги кунда район бўйича бу кўрсаткич саккиз литрдан-ку, бу жуда кам эмасми! — сўраймиз қизлардан.

— Ҳалиям кўк беда еб, озгина сут кўпайди. Қишда ем йўқлигидан сигирларнинг қодурғиси сөнелиб қолган эди. Улар ҳатто ўрнидан ҳам туролмасди. Уларни ётган жойларидан соғиб олганмиз.

Фермада хотин-қизларга ҳеч қандай шароит йўқ. Иссиқ сува у ёқда турсин, ҳатто совуқ сува ҳам топилаётган қолади. Қўл ювдиган жой, сочиқ, ҳақида геппирмаса ҳам бўлади. Соғувчиларга берилган қора ва кўк рангадаги халатлар кўриб бўлиб кетган. — Алмаштиришга бошқа халатимиз йўқ — дейишди соғувчилар.

Сигирларни соғадиган жойни кўздан кечиришимиз. Ҳаммаёқ балчиқ. Аёллар оёқларига резина этик кийиб олишган.

Фермада биринчи соғин тунги соет тўртда бошланади. Уларни фермага олиб келадиган юк автомашинасининг усти очик. Ёғин-сочинли кунларда ҳам улар шу аҳволда фермага келишади. Сут соғиш аппаратлари бор, лекин мотор тез-тез бузилиб турганлиги сабабли кўпинча сигирлар кўлда соғи-

Улар хотин-қизлар билан гиғина, бруцеллез касаллиги ва бошқа мавзуларда сўхбат ўтказсалар, уларнинг саломатлигини назорат қилсалар бўлмайди! Дам олиш кунисиз, байрамларда ҳам меҳнат қиладиган аёлларнинг қадри шу бўлади! Вақти-вақти билан колхоз ансамбли келиб концерт

ни учрата олмадик. Калинин участкасидаги қишлоқ медицина пунктида ҳам сўхбатдош топилмади. Акушерка Кушерка Боева барча саволимизга «мен ҳеч нәрсани билмайман, яқинда ишга кирдим», деб жавоб берди. Касалларни қабул қиладиган хоналардаги тартибсизлик, ифлос матрасларнинг осилиб полга тегиб ётиши таъбингизни хира қилади. Айтишларича, бу ердаги ҳомиладор аёллар врачга кўриниш учун районга боришга мажбур бўлар эканлар.

Колхоздаги Мичурин номли 19-мактаб педагогларининг ҳасратидан ҳам чанг чиқди. Мактабда 20 нафардан ортиқ аёл ўқитувчилар бор экан. Уларнинг деярли уч-тўрт нафардан ёш боласи бор. Педагоглар ҳам кўпинча фарзандларини мактабга етаклаб келишга мажбур бўлишяпти. Чунки колхоздаги боғчалар мавсумий, уларга ўқитувчиларнинг болаларини олишмайди. Яқинда ўқитувчи Муборак Турсунбоева икки фарзандини уйда устидан қулфлаб, ишга кетганида ёғин чиқишига сал қолибди. Қачон биз ҳам хотиржам бўлиб дарс ўтар эканмиз, — дейишди педагоглар.

Хуллас, колхозга қайта кўриш шамоли ҳали етиб келмаганга ўхшайди. Хўжалиқда энг оғир ишлар аёллар зиммасида-ю, лекин улар учун ҳеч қандай шароит яратилмаган. Хўжалик раҳбарлари юқори минбардан туриб, инсон омили, аёллар ва болаларга гами-хўрлик қилиш ҳақида дабдала сўзлар айтишни билишадилар-ку! Амалда эса ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмайди. Бу қачонгача давом этаркин!

Ш. МАМАДАЛИЕВА,
Н. МАЖИДОВА,
М. ТОЖИБОЕВА,

Оққўрғон район хотин-қизлар кенгашининг аъзолари.

КОЛХОЗ АЁЛЛАРИНИНГ АЙБИ НИМА?

ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИДАГИ «ЛЕНИНИЗМ» КОЛХОЗИДАГИ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МЕХНАТ ШАРОИТЛАРИ ҲАҚИДА

лади. Фермада хотин-қизларга на чой, на иссиқ овқат ташкил этилган. Молбоқарлар учун ҳар замонда қилинадиган овқат ҳам фақат макерондан иборат.

Фермага кираверишда бу ерда комсомол-ёшлар бригадаси меҳнат қилади, деб ёзиб қўйилган. Аммо колхоз комсомол ташкилотининг котиби ҳали фермага бирон марта қаддам рақижда қилмабди. Бригадир Мухтор Жумагулов бизга дам олиш хонасини кўрсатди. У ерда иккита кроватдан бошқа ҳеч нәрсаси йўқ. Унда молбоқарлар дам олишаркан. Хона заҳ, қоронғу, поли ҳам йўқ.

Биз соғувчилар ҳузурга колхоздаги қишлоқ врачлик амбулаторияси ходимларининг бирор марта келишмаганини эшитиб, таважжубландик.

кўйиб беришини, озиқ-овқат ва саноят моллари билан савдо уюштирилшини аёллар фақат орау қилишади.

— Уч-тўрт ойлаб маош ололмаймиз. Сабабини сўрасак, хўжалик ҳисобига ўтганмиз, дейишди, — дейди қўниоиб Қаршигул Қосимова.

— Биз бошқа фермаларга бориб, у ерда аёлларга яратилган шароитни ҳам бир кўриб келмоқчимиз, — дейди Фотима Қодирова. — Хўжалик-гимизнинг «Нилуфар» деб номланган болалар боғчаси баҳордан бери ремонт қилинаётганлигига нима дейиш мумкин? Шу сабабли кўпчилик аёллар фарзандларини фермага етаклаб келишади.

Рейд бригадаси аъзолари билан болалар боғчасига йўл олдик. Лекин у ерда ҳеч қим-



ОНА ЎГИТИ

Лабларнинг кулади, қувонч кўзингда

Камалингни кўриб, тўб қувонаман.

Токи кулги ўйнар шодон юзингда

Билки, кичикинтойим, бахтли онаман.

Хафалик билмагин, кўрмагин қайғу,

Ҳасад деган иллат ёт бўлсин абад.

Халқинг севган ўғил бўлиб ўсгину.

Қалбингда сўнамсин юртга муҳаббат.

Мард бўл, номарддан йироқ юр доим,

Зийрак бўл, кўзларинг босмасин гафлат.

Дўстларга ҳаммиса сўзла мулойим,

Лек, душман-чун дилда сақлагин нафрат.

Ёмонга эргашма зинҳор, оппогим,

Ҳаммиса ҳалол бўл, номинг пок сақла.

Сўзларинг уқиб ол, жоним, тойчоғим,

Берганим — оқ сутим, албатта, оқла...

Убайдулла ШОҲИД.

Т. ҚАРИМОВ фототўрди.

• Уй бекалари, сизлар учун

БИР ЧИМДИМ ТУЗ БИЛАН...

● Пиширилаётган сувоқ овқатга сува ва туз бўлиб-бўлиб, бир неча марта солиниса таомининг мазаси бузилади.

● Туз ва зираворларни овқат пишиши олдидан солисангиз, яхши татийди.

● Ийлаб кўпиртилган туҳум оқиға жиндекини туз ташланса, у тез кўпирди ва

кўпик турғун бўлади.

● Ўтмаслашиб қолган пиночки ярим соат чамаси намкобга солиб қўйиб, сўнг чархласангиз тез ўткир бўлади.

● Новшадилда суюлтирилган бир чимдим туз ипақ газламадаги ёғ доғларини кетказди.

● Сирка билан аралаштирилган туз қизил ва сариқ мисдан қилинган асбобларни, шунингдек, ўта ифлос бўлган шиша идишларни ярақлатиб ювишда энг яхши воситадир.

● Ҳўл ўтиннинг тез олов олиши учун унга бир чимдим туз селинг.

● Агар сиз бехосдан гиламга сиёҳ тўкиб қўйсангиз, шу заҳотёқ доғ устига бир ҳовуч туз ташланг: туз сиёҳни ўзига шимиб олади ва доғ қолмайди.

● Дастурмодчани ювиш олдидан туз солинган сувоқ сувага ботириб қўйсангиз, кири жуда тез кетади.

● Ошхона плитасига қайноқлиқда туз сепиб қоғоз билан ишқаланса, ёғ доғлари кетиб топ-тоза бўлади.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •

Душанба

18 СЕНТЯБРЬ

★ УЗТВ

11.30 География, 12.00 Еш-
лигимиз кўшиқлари. Фильм-
концерт, 12.30 Физика, 17.00
Советлар мамлакатининг киши-
лари, 18.00 Янгиликлар, 18.10
Мультфильм, 18.20 Бойчекан,
18.50 Муваффақият шонлики
булса, 19.20 Қайта қуриш ва
адабиёт, 20.00 Ахборот, 20.20
КПССнинг миллий масала бўй-
ичча платформаси лойиҳасини
муҳокама қиламиз, 20.50 Кон-
церт, 21.30 «Время», 22.05 Ах-
борот, 22.25 Оталар сўзи —
ақлининг кўзи.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА**

19.35 Гагга, Телефильм, 20.00
У дунёдан келган қотил. Бадий
фильм.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ

21.30 «Время», 22.05 Сурама
қалъаси ҳақида афсона. Бадий
фильм.

★ МТ I

7.00 «120 минут», 9.05 Фут-
бол шарҳи, 9.35 Спрут-3, Бадий
фильм, 4 ва 5-сериялар, 11.40
Музыкали композиция, 12.25
Бир соат илмий-оммабоп
фильмлар, 13.25 В. Крайнев
чалади, 13.55 Хужжатли фильм,
16.05 Концерт, 16.30 Қувноқ
стартлар, 17.15 Н. Костинова
куйлайди, 17.40 Болалар соати,
18.40 Бинокор, 19.25 Тараққи-
ёт, Ахборот, Реклама, 19.55
Мультфильм, 20.10 Босқичлар,
21.30 «Время», 22.05 Спрут-3,
Бадий фильм, 5-серия, 23.05
Дунё воқеалари, 23.20 Б. Чичи-
бабин, Узимни ҳеч қачон шо-
ир деб ҳис этмаганман.

★ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика,
9.15, 12.20 Илмий-оммабоп
фильм, 9.35, 10.35 Тарих, 10.05
Италия тили, 11.05 Сиз ярат-
ган бог, 11.35, 12.40 Биология,
11.55 Таассурот, 12.05 Бу дунё-
ни ҳаяжонлантирмоқда, 13.00
Илмий-оммабоп фильм, 13.10
Концерт, 13.40 Менга ҳаммаси
ҳам барибир эмас, 14.00 Совет
Иттифоқида хизмат қилган,
17.30 Янгиликлар, 17.40 Унинг
ҳаёти қирғоғи, Бадий фильм,
1-серия, 18.45 Мультфильм,
18.55 Сўз адвокатга берилади,
19.25 Футбол шарҳи, 19.55 Хок-
кей, «Динамо» (Москва) — Ва-
шингтон капиталда (АҚШ) Те-
наффус паитала — Тунингиз
хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
21.30 Время, 22.05 Халқ оҳанг-
лари, 22.15 Хоккей, «Крылья
Советов» (Москва) — «Калгари
Флеймз» (Канада), 24.00 Янги-
ликлар.

Сешанба

19 СЕНТЯБРЬ

★ УЗТВ

11.30 Болалар учун фильм-
лар, 12.30 Узбек тили, Салом-
лашиш сўзлари, 17.00 Теле-
фильм, 17.20 Пойтахтимиз
меҳмонлари, 18.00 Янгиликлар,
18.15 «Ешлик» студияси кўрсата-
ди, 18.55 Мультфильмлар, 19.30
Матонат, Сизтда, 20.00
Ахборот, 20.20 Узбекистон
ССРнинг Тиллар тўғрисидаги
Қонуни лойиҳасини муҳокама
қиламиз, 20.50 Ешлигимизнинг
Концерт, 21.30 «Время», 22.05
Ахборот, 22.25 Долзарб дам-
лар қадри, 22.45 41-йил олма-
лари, Бадий фильм.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА**

19.35 Чорраҳа, Тошкент ша-
ҳрида пиедаларнинг ҳафсизли-
гини таъминлаш муаммолари
ҳақида, 20.05 Бировнинг номи,
Бадий фильм.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

21.30 Время, 22.05 Узилган ҳал-
қа, Бадий фильм.

★ МТ I

7.00 «120 минут», 9.05
Мультфильмлар, 9.35 Спрут-3,
Бадий фильм, 5 ва 6-серия-

лар, 11.20 Босқичлар, 12.40 Бо-
лалар соати, 13.40 Бу бўлган...
бўлганди... 16.05 Музикали ха-
на, 17.00 Столлар ҳокимия-
ти, Хужжатли фильм, 17.25 Та-
рих ва ҳозирги замон, 18.10
Мультфильмлар, 18.45 1989 йил
кўшиқлари, 19.15 Дунё воқеа-
лари, 19.30 Халқ оҳанглари,
19.45 Бу севги бўлсачи! Бадий
фильм, 21.30 «Время», 22.05
Оператив маълумотларга кўра,
22.15 Спрут-3, Бадий фильм,
6-серия, 23.10 Дунё воқеалари,
23.25 Концерт.

★ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика,
9.15, 12.15 Илмий-оммабоп
фильмлар, 9.35, 10.35 Музика,
10.05 Француз тили, 11.05
Француз тили, 11.35, 12.40 Гео-
графия, 12.05 Янгиликлар,
13.10 Оғир атлетика, 13.55 Рит-
мик гимнастика, 14.25 Бувисин-
нинг набираси, Бадий фильм,
17.30 Янгиликлар, 17.40 Унинг
ҳаёти қирғоғи, Бадий фильм,
2-серия, 18.45 РСФСР шаҳар-
лари телестудиялари, 19.40
Концерт, 20.00 Ритмик гимна-
стика, 20.30 Тунингиз хайрли
бўлсин, кичкинтойлар! 20.45
Бокс, Жаҳон чемпионати, 21.30
«Время», 22.05 Оператив маъ-
лумотларга кўра, 22.15 Руминия
Социалистик республикаси
ташқиқ этиланганнинг 45
йиллигига бағишланган СССР-
да Руминия маданияти кунла-
ри, 24.00 Янгиликлар, 00.05
Тонгги почта.

Чоршанба

20 СЕНТЯБРЬ

★ УЗТВ

17.00 Телефильм, 17.30 Эсте-
тика асослари, 18.00 Янгилик-
лар, 18.15 Мультфильм, 18.35
Усмилрлар учун, 19.20 Рангин-
камон, 20.00 Ахборот, 20.15
Узбекистон ССРнинг Тиллар
тўғрисидаги Қонуни лойиҳасини
муҳокама қиламиз, 20.55
Фильм-концерт, 21.30 «Время»,
22.05 Ахборот, 22.25 Кино: ёш-
лар, муаммолар.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА**

19.35 Кўшиқ чорлайди, Бадий
фильм, 21.05 «Тошкент»
студияси кўрсатади, 21.15 Та-
бият ва шаҳар, Телефильм.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

21.30 «Время», 22.05 Ҳаёти де-
ҳот, Тележурнал, 22.45 Осий,
Бадий фильм.

★ МТ I

7.00 «120 минут», 9.05
Мультфильмлар, 9.35 Спрут-3,
Бадий фильм, 6 ва 7-сериялар,
11.25 Концерт, 12.15 Дунё бўй-
лаб, Альманах, 13.15 Камалак,
16.00 Фильм-концерт, 16.30
Хужжатли фильм, 17.10 Бор
бўл, музика, 17.40 Мультфильм,
17.50 Болалар соати, 18.50
Фольклор байрами, 19.15 Дунё
воқеалари, 19.30 Экономика ва
биз, 20.15 Тажриба, маҳорат,
илҳом, 21.30 «Время», 22.05
Спрут-3, Бадий фильм, 7-се-
рия, 23.00 Дунё воқеалари,
23.15 Концерт, 23.50 Хоккей,
МАСК — «Калгари Флеймз»,
(Канада).

★ МТ II

17.30 Янгиликлар, 17.40 Унинг
ҳаёти қирғоғи, Бадий фильм,
3-серия, 18.45 Хужжатли фильм,
19.15 Мультфильм, 19.30 Одо-
евский альбоми, 20.30 Тунингиз
хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.45 РСФСР шаҳарлари теле-
студиялари, 21.30 «Время»,
22.05 Эстрада программаси,
22.20 Бокс, Жаҳон чемпионати,
23.50 «Навқирон кино» кўрсата-
тувиغا кино илова, 01.05 Янги-
ликлар.

Пайшанба

21 СЕНТЯБРЬ

★ УЗТВ

17.00 Лезгинка, Фильм-концерт,
17.30 Узбек совет адабиёти,
18.00 Янгиликлар, 18.10 Бола-
лар учун, 18.35 «Ешлик» сту-

дияси кўрсатади, 19.15 Шунча-
ки сержаашт, Музикали дам
олиш программаси, 19.45 Ком-
сомол прожектори, 20.00 Ах-
борот, 20.20 «Чорвадор» про-
граммаси, 20.50 Манзарали
фильм, 21.00 Концерт, 21.30
«Время», 22.05 Ахборот, 22.25
«Тошкент» студияси кўрсатади.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА**

19.35 Хужжатли фильм, 20.20
Реклама, 20.30 «Тошкент» сту-
дияси кўрсатади.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ

21.30 «Время», 22.05 Сессия
эрафаси, 22.20 Концерт.

★ МТ I

7.00 «120 минут», 9.05
Бор бўл, музика! 9.35 Спрут-3,
Бадий фильм, 7-серия, 10.30
Хоккей, МАСК — «Калгари
Флеймз», (Канада), 12.50 Хуж-
жатли фильм, 13.15 Болалар
соати, 14.15 Б. Чичибабин, Ҳеч
қачон ўзимни шоир деб ҳис
этмаганман, 16.05 Лнесма ракс-
га тушади, 16.30 Хужжатли
фильм, 17.20 Мультфильмлар,
17.55 ТелеЭКО журнали, 18.25
...16 ёшгача ва ундан катталар,
19.45 Дунё воқеалари, 20.00
Инсон ва қонун, 21.30 «Время»,
22.05 СССР халқ артисти Е. Об-
разцованинг иккунчи кечаси,
00.05 Дунё воқеалари.

★ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика,
9.15, 12.15 Саломатлик ҳақида
этнолар, 9.35, 10.35 Табиатшу-
нослик, 9.55 Атайлаб эмас,
10.05 Испан тили, 10.55 Илмий-
оммабоп фильм, 11.05 Испан
тили, 11.35, 12.40 Биология,
12.05 Янгиликлар, 13.10 Оғир
атлетика, 17.30 Янгиликлар,
17.40 Серафима Глюкинанинг
оддий кунлари ва байрамлари,
Бадий фильм, 1-серия, 18.50
Шамол учун уй, 19.10 Русская
музика ансамблининг чиқиши,
19.30 Яхши ном қолдириб...
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин,
кичкинтойлар! 20.45 Хужжатли
фильмлар, 21.30 «Время», 22.05
Сўнги учрашув, Бадий
фильм, 23.35 Сиз яратган бог,
00.15 Бокс, Жаҳон чемпионати.

Жума

22 СЕНТЯБРЬ

★ УЗТВ

17.00 Телефильм, 17.30 Касб-
лар ҳақида ҳикоялар, 18.00 Ян-
гиликлар, 18.15 Мультфильм,
18.20 Соғлиқни сақлашнинг
актуал муаммолари, 18.50 Ин-
сон ва хизмат кўрсатиш тар-
моқлари, 19.30 Узбекистон
ССР Конституцияси (Ассий)
қонунига ўзгаришлар ва кў-
шимчалар киритиш тўғрисида-
ги Узбекистон ССР Қонуни лой-
иҳасини муҳокама қиламиз,
20.00 «Ахборот», 20.20 Халқ
ижодиёти, 21.00 Реклама, 21.05
Далварзинтепа, Мавзуга қай-
тиш, 21.30 «Время», 22.05 Ах-
борот, 22.25 Деҳқон ва замон,
Махсус программа.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА**

19.35 Ўйлаб топилмаган во-
қеалар, Бадий фильм, 21.05
«Пульс» инфорацион кўрсата-
туви, 21.15 Телефильм.

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ

21.30 «Время», 22.05 Қирғи-
стон ССР Олий Совети сес-
сиясидан репортаж, 22.35 Халқ-
лар дўстлиги — адабиётлар
дўстлиги.

★ МТ I

7.00 «120 минут», 9.05
Сиз нонни уйда ёпасизми? 9.30
Инсон ва қонун, 11.00 ...16 ёш-
гача ва ундан катталар, 12.20
Умринг боқий бўлсин, Ер!
Экологик программа, 13.15
Концерт, 13.45 Хужжатли
фильм, 16.05 Ватричанлар куй-
лайди, 16.30 Хужжатли фильм,
16.50 Болалар учун фильм,
17.30 Фан: назария, тажриба,
практика, 18.15 Дебютлар, та-

нишувлар, кашфиётлар, 18.55
Ерлаш, 19.15 Дунё воқеалари,
19.30, Интерсигнал, 20.00 Ше-
рият лаҳзалари, 20.05 Собиқ
ота, собиқ ўғил, Бадий фильм,
21.30 «Время», 22.05 Бу бўл-
ган... бўлганди, 22.25 Катталар
учун мультфильмлар.

★ МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика,
9.15, 12.15 Мультфильм, 9.35,
10.35 Адабиёт, 10.05 ва 11.05
Инглиз тили, 11.35 12.40 Гео-
графия, 12.05 Янгиликлар, 13.10
Ритмик гимнастика, 13.40 Давр
ҳақида ва ўзим ҳақида, 17.35
Янгиликлар, 17.45 Серафима
Глюкинанинг оддий кунлари
ва байрамлари, 19.00 Музика-
ли абонемент, 20.00 Ритмик
гимнастика, 20.30 Тунингиз
хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.45 Бокс, Жаҳон чемпионати,
21.30 «Время», 22.05 «Зебо»
халқ ракс ансамблининг кон-
церти, 22.30 Футбол, СССР
чемпионати, «Спартак» — «Шах-
тёр», 23.20 Бомбани ўғирлаш-
ди, Бадий фильм, 00.50 Оғир
атлетика, Жаҳон чемпионати,
01.35 Янгиликлар.

Шанба

23 СЕНТЯБРЬ

★ УЗТВ

9.00 Ассалому алайкум, 10.00
Шанба экрани, 11.50 Қирғиз-
стон телевиденисининг про-
граммаси, 13.00 Илғор тажри-
ба мактаби, 13.30 Спорт про-
граммаси, 14.40 Кооператор-
лар ва кооперативлар, 15.10
Офат ва нажот, 15.40 Китоб
дўстлари, 18.00 Тенгдошлар,
18.45 Мультпанорама, 19.30
Хотин-қизлар, сизлар учун,
20.00 Ахборот, 20.20 Концерт,
21.05 И. Юсупов, Туйғулар из-
ҳори, Телекомпозиция, 21.30
«Время», 22.05 Ахборот, 22.25
Пахтакорлар учун кечки дам
олиш программаси.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА**

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

9.00 Ритмик гимнастика, 9.15
Адабий-музикали кўрсатув,
10.05 Жаҳон бир ҳафта ичда,
10.20 Фильм-концерт, 11.10
Оила сирлари, Бадий фильм,
17.55 Болаларга музика ҳақи-
да, 18.30 Информацион про-
грамма, 19.00 Футбол, СССР
чемпионати, «Помир» — «Ди-
намо» (Москва), Танаффусда-
хужжатли фильм, 20.45 Жаҳон-
нома, Бадий-публицистик про-
грамма, 21.30 «Время», 22.05
«Жаҳоннома» (давоми).

★ МТ I

7.00 «120 минут», 9.00 Сиз
яратган бог, 9.30 Инсон ин-
ститутини, 10.30 Асрга татигулик
умр, 11.15 Чашмалар, 12.10
Дунё воқеалари, 12.25 Навбат
сизга, артист А. Ақоян, 12.40
Ҳаракат хавфсизлиги учун,
13.10 Социалистик мамлакатла-
рида, 14.00 Қишқи вақтга ўтиш,
14.10 Болалар учун фильм,
15.15 Фильм-концерт, 15.55
Мультфильм, 16.05 Замондош,
17.25 Ҳайвонот оламида, 18.25
Планета, Халқро программа,
19.35 Бугун аренада, 19.55 Ил-
тимос, кечиринг, Бадий фильм,
21.30 «Время», 22.05 КВН-89,
Урал (Свердловск шаҳри) —
Тошкент, 00.05 Музикали про-
грамма.

★ МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика,
8.50 Қишлоқ янгиликлари, 9.50
Концерт, 10.25 Хужжатли
фильм, 10.45 Тараққиёт, Ахбо-
рот, Реклама, 11.15 Спорт ҳам-
ма учун, 11.35 Янгиликлар,
11.40 Ердаги из, Бадий фильм,
13.00 Қодралар оҳанглари,
13.30 Тарасинг йўллари, 3-кўр-
сатув, 14.30 Фильм-концерт,
15.35 Бокс, Жаҳон чемпионати,
16.20 Мансабсиз киши, Бадий
фильм, 1-серия, 17.30 Янгилик-

лар, 17.40 Мультфильмлар,
18.10 Хужжатли фильм, 19.35
Ракурс, 20.30 Тунингиз хайрли
бўлсин, кичкинтойлар! 20.45
Оғир атлетика, Жаҳон чемпио-
нати, 21.30 «Время», 22.05
Мамлакат театрлари намойиш
этади, Б. Брехт, «У солдет
ниме-ю бу солдет нима», Спек-
такль, 00.15 Янгиликлар.

Якшанба

24 СЕНТЯБРЬ

МАШИНАСОЗЛАР КУНИ

★ УЗТВ

9.00 Ассалому алайкум, 10.00
Муаммо билан юзма-юз, 11.00
Биргаликда куйлаймиз, 11.25
Портретга чизилар, 12.15
Уй-жой — 2000, 12.45 Ан-
на Ахматова туринган кун-
нинг 100 йиллигига ба-
ғишланган кеча, 14.15 Спорт
программаси, 14.55 Қовун сай-
ли, 16.00 Реклама, 18.05 Кўши-
гим, жон қўшимчи, 18.50 Ми-
ниаторлар театри, 20.00 Ах-
борот, 20.20 УзССР Ички иш-
лар министрлигининг матбуот
марказида, 20.30 Якшанба оқ-
шомида, 21.30 «Время», 22.05
«Ахборот», 22.25 Долзарб ма-
ву, 22.40 Миниаторлар теат-
ри (давоми).

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН
ПРОГРАММА**

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

9.00 Информацион-музикали
программа, 10.05 Реклама, 10.15
Офарин! Қувноқ спорт ўйин-
лари, 11.15 Шундай ақимтой
бўрилар, Бадий фильм, 17.55
Саҳоват улашиб, Бадий
фильм, 19.00 Янгиликлар,
19.15 Театр, учрашувлари,
20.00 Ҳафта воқеалари, 20.20
Телетомошбин ҳамроҳи, 20.40
Концерт, 21.30 «Время», 22.05
Боз як барнома жавони.

★ МТ I

8.45 Ритмик гимнастика, 9.15
Спортлото, 9.30 Эрта сахар-
лаб, 10.30 Совет Иттифоқига
хизмат қилган! 11.30 Тонгги
почта, 12.00 Саёҳатчилар клу-
би, 13.00 Бегуноҳлари урган-
да, Ешлар муаммолари ҳақи-
да, 13.30 Хужжатли фильмлар,
14.10 Музикали кинос, 14.40
Здоровье, 15.25 Бевосита ало-
қа, Бадий фильм, 16.15
Болалар инфорацион-пуб-
лицистик программаси, 17.45
Қишлоқ янгиликлари, 18.45
Халқро панорама, 19.30 Камал-
лак, Яман Араб республикаси,
20.05 Пани Мария, Бадий
фильм, 21.30 «Время», 22.05
Салом, доктор! 22.20 1989 йил
кўшиқлари.

★ МТ II

8.30 Зарядкага сафланинг!
8.45 Хужжатли фильмлар,
9.15 Келинлар кўзголини, Бадий
фильм, 10.30 Концерт,
10.40 Хужжатли фильм, 11.30
Акс садо: ҳаётнинг воқеа-
лари, 11.40 Мультфильм, 12.00
Саёҳатчилар клуби, 13.00 Кон-
церт, 13.30 Образ, Адабий ви-
кторина, 15.00 Дин Рид ҳаётда
ва қўшиқда, 16.15 Мансабсиз
киши, Бадий фильм 2-серия,
17.30 СССР ИИМ хабар қилади,
17.40 Мансабсиз киши, Бадий
фильм, 3-серия, 18.45 Бокс,
Жаҳон чемпионати, 19.30 Сизни
МТ ёшлар редакцияси тақлиф
этади, 1-қисм, 20.30 Тунингиз
хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.45 Сизни МТ ёшлар редак-
цияси тақлиф этади, 2-қисм,
21.30 «Время», 22.05 Салом,
доктор! 22.20 Сизни МТ ёшлар
редакцияси тақлиф этади, 3-
қисм, 00.20 Оғир атлетика, Же-
ҳон чемпионати, 01.50 Янги-
ликлар.

• ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА •



• Сизтл—Тошкент

ДЎСТЛИК ЧЕГАРА БИЛМАЙДИ

Биродарлашган Тошкент — Сизтл шаҳарлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустахкамлаш борасида кўпгина ишлар амалга оширилляпти. Айниқса, маданият соҳасидаги алоқалар тораба кенгайиб бормоқда. Яқинда ўзбекистонлик сураткашлар С. Маҳкамов ва В. Ковреннилар Сизтлда бўлиб, ҳамкасбларини республикамиз ҳаётини ёритувчи ишлар билан таништирган эдилар. Шу кунларда эса пойтахтимизнинг «Интурист» маданий-ахборот марказида америкалик 15 му-

аллифининг 63 ишидан иборат «Чегарасиз фотография» деб номланган кўرғазмалари намойиш қилинмоқда. Санъатсеварлар эътиборига ҳавола қилинган суратлар оқ-қора ва рангли тасвирларда бўлиб Американи ҳаёти, шу мамлакат одамларининг кундалик оддий турмушларини ўзида акс эттирган. Келгуси йили ўзбекистонлик сураткашлар ҳам ўз асарларини Сизтл шаҳрида америкалик биродарларимизга намойиш қилишни мўлжалламоқдалар. Ўтказилаётган тадбирнинг

қувончли томони шундаки, кўрғазма тугагандан сўнг барча суратлар тошкентликлар учун соғва тарихисидан қолдириллади ва республикамизнинг бошқа областларида ҳам намойиш этилади.

Америкалик сураткашлар пойтахтимиз, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида меҳмон бўлиб, диққатга сазовор жойлар билан танишгач, ўз юртларига қайтадилар.

Р. ШОЖАЛИЛОВ.

Суратларда: Америка сураткаш-рассомлари ўзбекистонлик ҳамкасблари билан фикр алмашмоқдалар; кўрғазма залнда.

Суратчи Н. МУҲАММАДЖО. НОВ.



Сентябрнинг дастлабки 10 кунлигида областимизда 9 та қотиллик юз берди (ўтган йил шу даврда 2 та эди). Битта ашаддий безориллик, 51 та шахсий мулкнинг ўғирланиши рўйхатга олинди (38 та эди), 14 та транспорт воситаси олиб қочилди (10 та эди).

Шунингдек, битта талончилик ҳужуми (3 та эди), тўртта киссавуриллик (5 та эди), 9 та ёнғин (16 та эди) юз берди. Давлат ёни шахсий мулкнинг ёқиб юборилиши рўйхатга олинмади (1 та эди). Шу йилнинг июлидан бошлаб давлат автоспекцияси хизмати йўл транспорт ҳодисалари сонининг доийни камайиб боришига эришмоқдалар. Сентябрьнинг ўн кунини мобайнида 55 та шундай ҳодиса рўйхатга олинди (64 та эди) улардан бештаси ўлим билан тугади (6 та эди).

Область ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси матбуот маркази.

БИЛАСИЗМИ?

• XIV асрда яшаган машҳур италян шоири ва мутафаккири Дантенинг «Илоҳий комедия» асариде астрономияга доир талайгина маълумотлар учрайди. Хўш, асос эътибори билан гуманитар илим вакили бўлган Данте зикр қилинган маълумотларни келтиришда бирон-бир илмий манбадан фойдаланганми? Ҳа, фойдаланган экан.

Маълум бўлишича, Данте бу маълумотларнинг кўпини IX асрда ўтган буюк ўзбек олим Аҳмад Фарғонийнинг ўша вақтда лотинчага таржимаси қилиниб, бутун Европага машҳур бўлиб кетган «Астрономия асослари» китобидан олган экан. Бинобарин, астроно-

мияга салмоқли ҳисса қўшган Фарғоний, Беруний, Улуғбек каби зотларни етиштириб берган Урта Осиё халқлари қонотга «дарча» очишда фақат бевосита эмас, маълум мазо-да билвосита, яъни бадий асарлар орқали ҳам иштирок этгандирлар.

• БИР минг беш юздан ортиқ музыка асарлари, шу жумладан 18 та опера, 20 та балет, 5 та оперетта — буларнинг ҳаммаси улуғ рус шоири А. С. Пушкин асарлари асосида ёзилган.

А. АЛИЕВ тайёрлаган.

• Реклама ва эълонлар •

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг МАДАНИЙТ БОШ БОШҚАРМАСИ ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ «СОЮЗ» МАДАНИЙТ МАРКАЗИ ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ ОКТЯБРЬ РАЙОН КОМИТЕТИ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМИДАГИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЙТ ВА ИСТИРОҲАТ БОГИДА 16 ВА 17 СЕНТЯВРЬ СОАТ 11.00 ДАН

XXXII ТОШКЕНТ АНЪАНАВИЙ ДЎСТЛИК КАРНАВАЛИНИ ЎТКАЗАДИ

Сизларнинг ҳузурингизда таниқли артистлар, энг яхши бадий ҳаваскорлик ва цирк коллективлари, етакчи диско

БОҒДА ЯНА КАРНАВАЛ

ПОЯТХТИМИЗИНИНГ сўлим оромгоҳларидан ҳисобланмиш Ленин комсомоли номи Марказий маданият ва истироҳат боғи ташкил топганлигига бу йил ярим аср бўлади. Ана шу давр мобайнида мазкур боғ шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларнинг севимли жойларига айланди. Бу ерда турли хил тадбирлар жумладан, Дўстлик фестиваллари, карнавал ҳамда сайиллар ўтказиш анъанаси айланган. Республика маданият ва туризм, Ўзбекистон Ленин комсомоли Марказий комитети ҳамда боғ маъмурияти ташаббуси билан ўтказилаётган бугунги тадбир ҳам «Дўстлик карнавали» деб номланиб, у боғ ташкил этилганлигининг ярим асрлик юбилейига бағишланади.

Карнавал давоминда унинг иштирокчилари чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятининг тўхналик ҳисобидеги «Ай-вай» фольклор театри, «Шарқ» фольклор ансамбли, Тошкент эстрада концерти бирлашмасининг ансамбллари ва бошқа бир қатор бадий ҳаваскорлик коллективлари иштирокида катта концерт программасини томоша қилишга муяссар бўлади. Тошкент молдалар уйи коллектив эса сўнгги молделарга миллий кийимлар намуналарини намойиш этишди.

Шунингдек, «Дўстлик карнавали»да «Еш гвардия» театри ўзининг шоу программасини байрам қатнашчиларига тавсия этади. Боғнинг очик театрида театр жамияти қошида тузилган «Резонанс» кўшмақлар театрининг шўх-шўх куй ва кўшмақлари янграйди.

70 гектар майдонда ўтказиладиган ушбу карнавалда озиқ-овиқат, ҳамда саноят, галантерея маҳсулотлари ва китоблар савдоси уюштирилади. Шаҳримизнинг моҳир қандолатчилари эса ўзлари тайёрлаган ширин-шакар маҳсулотлари билан конкурсда қатнашадилар. Ғолибларга боғ маъмуриятининг махсус совринлари топширилади. Байрам бугун ва эртанга соат 10.00 дан кечгача давом этади.

М. ШОЮСУПОВА.

Уйғур ансамбли концерт программалари аҳоли эътиборига ҳавола этилади. Ушбу сайилда пертия, меҳнат ва уруш ветеранлари, олим ҳамда шоқлар, хорлиқдан келган меҳмонлар, қардош миллатлар вакиллари билан дўстона мулоқот ўтказилади. Сайил акшбана куни соат 12.00 да бошланади.

А. ШЕРОВ.

М. Қорёқубов номидаги ўзбек давлат филармонияси қошидаги уйғур ашула ва рақс ансамбли коллективи ўзининг ўшбу ашула ва рақслари билан сайил иштирокчилари қилин кўшунда элади. Бундан ташқари Ўзбекистон ССР театр арбоблар жамияти қошидаги «Шарқ» уйғур театр студияси, Ким Пон Хев номидаги колхоз оталиғидаги

таъсис этиш ташкилий комитети ўзининг дастлабки тадбирини ўтказмоқда. «Уйғур миллий таомлари» деб номланган ушбу сайилда уйғур халқининг турли-туман мезали таомлари тайёрланиб, пойтахтимиз меҳнатчиларига тортиқ қилинади. Сенинда республикамиз иштирокчилари томонидан чоп этилган китоблар кўرғазмаси ташкил этилади. Уйғур расмла-беккистонда республика уйғур маданияти жамиятини

УЙҒУР ТАОМЛАРИ САЙЛИ

Э. Тельмен номидаги маданият ва истироҳат боғида ўзбекистонда республика уйғур маданияти жамиятини

Ҳар тўғрига

Хитой осмониде номаълум учувчи объект

ПЕКИН, 14 сентябрь. ТАСС мухбири Вячеслав Томилин хабар беради: ўтган чоршанба кунини ярим кечага яқин Хитойдаги Синьцзян-Уйғур автоном районининг маъмурият маркази булган Урумчи аҳолиси осмонда номаълум учувчи объектни кузатишди.

Синьхуа агентлиги шу ҳақда хабар берад экан, ку ерлик ишчи Тун Юйвэй осмонда сеҳрли томошани кўрганилигини таъкидлади. Самодаги қора булут, деб хикоя қилди ишчи, бирданга ёришиб кетди. Шундан кейин чакмоқ чакқандек бўлди ва қора тун бағрида липокчага ўхшаш номаълум учувчи объект кўринди. У осмонда бир лаҳза муаллақ тур-

ди. Шундан кейин шиддет билан айлиниб, қизил-сарик рангдаги чакмоқ шуьласига бурканиб, жануби-ғарбий томонга учиб кетди.

Ердан ташқарида цивилизация борлиғи тўғрисидаги фаразларнинг тарафдори булган кишиларни яна бир тафсилот қизиқтириши шубҳасиздир: шу воқеанинг гувоҳи булган кишилар осмондаги ўша объектни кўриб туришган вақтда ишлаб турган моторнинг овозига ўхшаш товушни эшитишган.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

• Реклама ва эълонлар •

клублар ва видеосалонларнинг ходимлари ўз маҳоратларини намойиш этишди. Сизларни қувонч қуй ва қўшиқлар, рақслар, қизиқчиликлар, ранг-баранг ярмаркалар, лотерея, кўрғазмалар, турли-туман комплекслар ва карнавал мушакбозлиғи кутади.

КОНКУРС ҒОЛИБЛАРИНИ СОВРИНЛАР КУТАДИ. Кондитер ва қандолат маҳсулотлари савдо кўрғазмаси, миллий таомлар усталари сизларнинг хизматингизда бўлишди.

БИЛЕТЛАР БОҒ КАССАЛАРИДА СОТИЛМОҚДА.

Коллектив бўлиб қўшиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Справкалар учун телефонлар — 45-35-60, 45-37-54.